

Келажагимиз эгалари муҳофазаси

давлат ва жамиятимизнинг доимий эътиборида

Халқимизнинг ўзига хос миллий урф-одат, анъана ва турмуш тарзи бор. Булар бебаҳо миллий қадрият, аجدодларимиздан қолган маънавий меросдир. Уларни асраш ва келажак авлодларга етказиш алоҳида масъулият талаб этади. Зеро, фарзандларимизнинг ўзлигини танишида миллий қадриятларимизнинг ўрни бекиёсдир.

Чунки бугунги кунда миллий қадриятларимизга мутлақо зид ғоялар билан йўғрилган, инсон онгини заҳарлайдиган воситаларни тарқатишга зўр бериб уринаётган кимсалар, афсуски, йўқ эмас. Айниқса, ёвузликни тарғиб қилувчи кино ва видеофильмлар, телерадио дастурлар, босма нашрлар, порнографик мазмундаги асарлар ва бошқа маҳсулотлар, рекламаларни ёшлар орасига билинар-билинмас ҳолда мажбуран киритиш йўлига ўтилгани кузатилмоқда.

Бу каби ноқонуний хатти-ҳаракатлар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий ва маънавий қадриятларимизни йўқотишга, ёш авлод қалбига худбинлик, ҳаёсизлик каби салбий ҳиссиётларни сингдиришга қаратилгани билан ҳам ижтимоий хавфлидир.

Бинобарин, бундай хатарли таҳдидлар, айниқса, келажагимиз ворислари бўлган ёш авлод тарбиясига салбий таъсир қилмай қолмайди. Бу ўз навбатида фарзандларимизни ана шундай иллатлардан сақлашимизни, химоя қилишимизни тақозо этади.

Ана шу нуқтаи назардан қонунчилик ташаббуси билан республика Бош прокурори томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган «Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига кўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи йиғилишида биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

«Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси болаларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олишга қаратилган бўлиб, бу борада вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ички ишлар, таълим, васийлик ва ҳомийлик, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш идораларининг, шу жумладан, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам

кўрсатиш марказларининг, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларининг вазифалари аниқ белгилаб берилган.

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ҳамда нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш тадбирларидаги иштироки алоҳида моддада баён этилган.

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига кўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга 188²-модда киритиш кўзда тутилмоқда. Ушбу моддада тунги вақтда боланинг ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз ресторанлар, қаҳвахоналар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатишга мўлжалланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар жойларда ҳозир бўлишига йўл қўйганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ялпи мажлисда биринчи ўқишда муҳокама қилиниб, концептуал жиҳатдан маъқулланган ҳар иккала қонун лойиҳасида, кўзланган асосий мақсад — болаларни назоратсиз қолишдан, миллий ва маънавий қадриятларимизга, одоб-ахлоқимизга зид бўлган тунги намойиш ва таҳдидлардан асрашдан, ресторанлар, қаҳвахоналар, клублар, интернет хоналари ва бошқа шунга ўхшаш кўнгилочар жойлардан тийишдан, болаларни ҳам руҳан, ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол этиб вояга етказишдан иборат.

Зеро, давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир.

**Абдукамол РАҲМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати**

«Куч — адолатда», 31 март 2010 йил, 13-сон